# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 6 апрель, № 67 (7297) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикамизда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш уларнинг тезкорлиги ва фойдаланиш имкониятларини оширишни, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигига эришишни ва хизматлардан фойдаланувчиларга ахборот хизмати кўрсатишни яхшилашни тақозо этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, тегишли тизимларни давлат органларининг электрон маълумотлар базаларига интеграция қилиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини соддалаштиришнинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, кўчмас мулкни сотишда ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш, геодезия ва ер кадастри соҳасига тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

давлат нотариал идоралари томонидан — кўчмас мулкка оид битимларни тасдиқлаш ишларини амалга оширишда, кўчмас мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, чекланган (юкланган) ва бекор бўлган ҳоллар бундан мустасно;

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан — "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида кўчмас мулкни (давлат активлари қисмида) аукцион орқали сотишда;

риэлторлик ташкилотлари томонидан — нотурар кўчмас мулк бўйича риэлторлик хизматларини кўрсатишда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сонли қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этаётган тижорат банклари (кейинги ўринларда — тижорат банклари) томонидан — қурилиши тугалланган уй-жойни расмийлаштиришда "ягона дарча" тамойили асосида Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан (кейинги ўринларда — Реестр) кўчирма бериш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб нотариал ҳаракатлар асосида вужудга келадиган Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулкка, 2020 йил 1 январдан бошлаб эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат давлат нотариал идорасининг талабномасига асосан электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ эгасини ўзгартириш шаклида киритилади ва бир вақтнинг ўзида Реестрдан кўчирма берилади;

(Давоми 2-бетда).














*Мамлакатимизнинг жанубдаги гавҳари — Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг кўтаринки руҳи маҳаллий ва хорижий меҳмонларни асосий тантаналар майдонидаги тадбирларга чорламоқда.*

*Фестиваль қатнашчилари Термиз халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.*

## Сурхондарёда халқаро санъат байрами шукуҳи ҳукмрон

Маълумотларга кўра, санъат анжумани арафасида 80 давлатдан 300 нафарга яқин иштирокчилар саралаш комиссияси томонидан кўриб чиқилган. Шунга кўра, юртимиздан ташқари Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Сербия, Туркия, Озарбайжон, Болгария, Бельгия, Россия ва бошқа кўплаб хорижий давлатлардан 58 нафар ижрочи иштирок этади. Фестиваль муносабати билан ўтказилажак халқаро илмий-амалий конференцияда 18 давлатдан 45 нафар хорижий олим ва тадқиқотчи қатнашиш истагини билдирган. Шунингдек, 42 давлатдан 45 нафар меҳмон, 18 давлатдан 25 нафар оммавий ахборот воситалари ходими жараёнларни бевосита кузатади, ёритади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган фестиваль жаҳоннинг турли ҳудудларида ижод қилаётган халқ оғзаки ижоди ижрочиларини бир даврага жам этди. Бамисли эртаклар шаҳарчаси бўлган тантаналар майдони санъат ва маданиятнинг жаҳоний нуфузини, унинг мазмуни ҳамда аҳамиятини ёрқин ифодалаётир. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган фестиваль иштирокчилари ўзларининг рамзий қўрғонларини бунёд этишган. Унда ҳудудларнинг фольклор-этнографияси, маданий ҳаёти, урф-одат, анъаналари ранг-баранг тарзда намойиш қилинмоқда.

— Бахшичилик ижодига бағишланган мана шундай фестивалнинг айнан юртимизда ўтказилишининг ҳам тарихий, ҳам маънавий асослари бор, — дейди фольклоршунос олим, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев. — Бизда шаклланган ва асрлар давомида сайқал топган бахшичилик бугун дунё нигоҳида эканлиги ҳам бежиз эмас. Диёримизда бахшилар азалдан халқ орасида катта нуфузга эга бўлишган. Яқингача Сурхондарёда бахшилар айнан юзбоши, деб атаб келинганида ҳам мана шу ҳақиқатни кўрамиз. Яна тарихдан маълумки, бахши нафақат ижрочи, балки табиб, қабила, уруғ сардори каби вазифаларни ҳам бажарган. Бахшилар билан боғлиқ халқ мақолларининг пайдо бўлиши ва бугунги кунга қадар етиб келишида ана шу жиҳатлар кўзга ташланади.

ЮНЕСКО ташкилоти шафелиги остида ўтказилаётган фестиваль нафақат бахши-шоирлар, оқин ва жировларга ўз салоҳиятини намойиш этиш, балки сайёҳларга ҳам мафтункор юртимиз, хусусан, Сурхон воҳасидаги тарихий обидалар, ҳудуднинг гўзал табиати, бетакрор қадриятлари билан яқиндан танишиш имкониятини яратмоқда.

Санъат байрами доирасида вилоят бўйлаб маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирларга ҳам кенг ўрин бериляпти. Сайилгоҳларда бахшилар, фольклор жамоалари, яккахон ижрочилар, театрлар ижодий гуруҳлари томонидан ҳудудларга хос бўлган халқ қўшиқлари, лапарлар ижро этилиб, халқ томошалари намойиш қилинмоқда. Булар тадбир иштирокчиларида илиқ таассуротлар қолдиряпти.

Халқаро фестиваль муносабати билан ташкил этилган матбуот марказида мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари ходимлари учун зарур шароитлар яратилган бўлиб, жараёнлар тезкор ёритиб борилаётир. Жумладан, ижтимоий тармоқлар, телевидение ва радио журналистлари томонидан онлайн режимда халқаро фестиваль тадбирлари тафсилотлари нафақат маҳаллий, балки бошқа давлатлар аҳолисига ҳам етказилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзбекистонда маданият ва маънавият ривожига юксак эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор»

*Мухбирларимиз Халқаро бахшичилик санъати фестивалида иштирок этиш мақсадида келган хорижлик меҳмонлардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.*

### Эътироф



**Жон ДЮРИНГ,**
**шарқшунос олим (Франция):**

— Ҳар қайси миллатнинг тарихи ва маданияти, аввало, унинг оғзаки ижоди — фольклор санъатида, достон ва эпосларида намоён бўлади. Шу маънода, юртингиз ноёб қадриятлари, ҳудудий табиатига мос либослари, лапар ҳамда достонлари, дўмбираю чанқовузнинг сеҳрли оҳанглари билан азалдан маълум ва машҳур. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида соҳибқирон Амир Темур даври мусиқий анжуманлари ҳақида ёзар экан, жумладан, шундай дейди: "Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эдилар. Ва турку уйғур, мўғул ва хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эди". Ўзбекистонда илк маротаба ташкил этилаётган Халқаро бахшичилик фестивали ушбу кўҳна анъананинг давоми сифатида турли халқларнинг бадиий жамоалари санъатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, инсониятни бағрикенглик ва маънавий комиллик йўлида бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатингизга кўп маротаба келганман. Сафарим ҳамиша шодлик ва унутилмас таассуротлар қолдирган. Кўплаб дўстлар орттираман. Куни кеча Тошкентда бўлганимда жамият ҳаётида юз бераётган кўплаб ўзгаришлар, хусусан, шаҳар ичида янги-янги шаҳарлар, янги метро линиялари барпо этилаётганининг гувоҳига айландим. Баҳор фасли бўлгани учун ён-атрофга гуллар ифори таралганки, бу ҳам одамга бошқача таъсир қилади. Бунёдкор ва олижаноб халқингизнинг бу фазилати алоҳида таҳсинга сазовор.



**Кучен Ай Чарих САЙИН,**
**"Улгер" филармония ансамбли раҳбари (Хакасия Республикаси, Россия):**

— Россия ва Ўзбекистон савдо-иқтисодий, фан-таълим, маданий-гуманитар соҳаларда яқин ҳамкор. Очиғи, Буюк Ипак йўлида жойлашган юртингизнинг нафақат халқ оғзаки ижоди, санъати, балки ҳунармандчиликда тўплаган бой тажрибасига ҳам қизиқишимиз катта. Термизда ўтаётган нуфузли анжуманда қатнашиш бизга ўз маҳоратимизни намойиш этиш билан бирга, ўзбек ҳунармандчилиги, маданияти, чолғу асбоблари, миллий либослари, тасвирий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари билан яқиндан танишиш, табаррук манзилларни зиёрат қилиш имконини ҳам яратаётганидан жуда хурсандмиз.

Фестиваль ўзаро тажриба алмашиш, фикрлашиш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун ажойиб имкониятдир.

➡2

### Парламент ҳаёти

## Комиссия гендер тенглиги масалалари билан шуғулланади

*Гендер тенглиги нафақат ахлоқий тамойил, балки иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз интилиш ва қобилиятларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.*

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Унга кўра, хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагидаги Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузилиши назарда тутилган эди.

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борган йиғилишда комиссиянинг низоми, 2019 йилги иш режаси ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мазкур комиссиянинг асосий вазифалари қаторида мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашда фаол иштирок этиши, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид мурожаатларини кўриб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг иштирокини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси ҳам Комиссия зиммасига юклатилди. Комиссия аъзолари аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам бериш бўйича умумэътироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхшилаш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали ижро қилинишини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Комиссия ўз фаолиятида парламент аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар, Хотин-қизлар қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, бошқа вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик қилиши белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Тиббий-ижтимоий хизматлар сифати қачон яхшиланади?

*Бугунги кунда республикамизда 15,7 минг нафар парваришга муҳтож ёлғиз фуқарога уйда ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда, ўзгалар кўмагига муҳтож 3,6 минг нафар ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахсга эса ҳар ойда бепул 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена воситалари етказиляпти.*

8,3 минг нафар ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс Мурувват ҳамда Саховат уйларида тўлиқ давлат таъминотида бўлиб, уларга стационар шароитларда тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда.

➡3



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2020 йилнинг 1 январидан бошлаб уй-жойга мулк ҳуқуқини ҳамда қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномаси ва бошқа зарур ҳужжатлар тижорат банклари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар) филиалларига (кейинги ўринларда — давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юборилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулк объектини "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотиш (давлат активлари қисмида) ва риэлторлик хизматлари кўрсатиш натижасида вужудга келадиган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар тегишлича Давлат активларини бошқариш агентлиги ва риэлторлик ташкилотлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юборилади;

Реестрдан кўчирма Давлат активларини бошқариш агентлиги, риэлторлик ташкилотлари ва тижорат банклари (кейинги ўринларда — ташкилотлар) томонидан мулкдорнинг хоҳишига кўра электрон ва (ёки) қоғоз шаклида кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар ва қонун асосидаги ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ушбу бандда назарда тутилган муддатларда берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) ташкилотларнинг маълумотлари асосида мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза талаб этилмайди;

б) кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни, шунингдек, қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатга олиш йиғимлари ундирилади ва улар қуйидаги тартибда тақсимланади:

10 фоизи Адлия вазирлиги ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги (кўчмас мулкни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотишда ва риэлторлик хизматлари кўрсатишда) бюджетдан ташқари жамғармаларининг шахсий ҳисобварақларига ёхуд тижорат банкларнинг банк ҳисоб рақамига;

қолган маблағлар давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади;

в) 2020 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулкнинг янги эгалари тўғрисидаги маълумотлар уларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин тегишлича давлат нотариал идоралари ва давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан коммунал хизматларнинг ахборот тизимларига автоматик тарзда юборилади. Бунда коммунал хизматлар кўчмас мулкнинг янги эгаларидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас.

4. Қуйидагилар:

кўчмас мулкни бегоналаштиришда давлат нотариал идорасига Реестрга уланиш имкониятини берган ҳолда, унга бино ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўчмас мулк эгаларидан давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга рўйхатдан ўтказувчи органнинг ёзуви (штампи) қўйилишини талаб қилишни;

2020 йил 1 январдан бошлаб қурилган уй-жойга мулк ҳуқуқини ҳамда қонун асосидаги ипотекани Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, банкка рўйхатдан ўтказилган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат нусхасини ва қонун асосидаги ипотека давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги штамп қўйилган кредит шартномасини тақдим этиш бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини назарда тутувчи тартиб бекор қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси (кейинги ўринларда — кадастр муҳандиси) институтини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Кадастр муҳандиси шартнома асосида кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказади (бирламчи кадастр ҳисоби бундан мустасно), уларнинг қаватма-қават режаларини тузади, техник режаларини расмийлаштиради, шунингдек, уларни техник ҳисобга қўяди. Кадастр муҳандисларига нисбатан қуйидаги талаблар назарда тутилади:

геодезия ва ер кадастри бўйича олий маълумотга эга ёки кадастр муносабатлари соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олган, шунингдек, тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг малака шаҳодатномасини олган шахс кадастр муҳандиси бўлиши мумкин;

малака шаҳодатномасини олиш учун шахс геодезия ва ер кадастри бўйича камида бир йил иш стажига эга бўлиши ва малака имтиҳонини топшириши шарт;

кадастр муҳандиси фаолияти билан шуғулланувчи шахс риэлторлик ташкилотлари билан меҳнат шартномасини тузади.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда 2019 йил 1 майга қадар:

а) қуйидагиларга имконият берувчи ягона тизим (интеграция тармоғи)ни яратиш:

коммунал хизматлар кўрсатувчи (газ таъминоти, совуқ сув таъминоти ва сув чиқариб ташловчи, иссиқлик таъминоти (марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти), электр таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб кетиш, ўрнатиб қўйилган телефон алоқаси ва бошқалар) корхоналарнинг ахборот тизимларини интеграциялаш;

техник шартларни олиш, объектларни муҳандис-техник таъминот тармоқларига улаш бўйича шартномаларни тузиш учун ягона ариза бериш;

дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги ҳисобни актуал ҳолатда юритиш;

ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини онлайн тартибда қайта ишлаш;

кўчмас мулкнинг кадастр рақами асосида истеъмолчининг унификация қилинган шахсий ҳисобварақасини жорий этиш;

истеъмолчиларга коммунал хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ягона шахсий кабинетдан олиш имкониятини тақдим қилиш;

истеъмолчиларга кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳисобланган тўловларнинг ягона ҳисоб-китобини юбориш;

давлат органларига ягона тизимда дебитор ва кредитор қарздорлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиш;

б) ягона тизим (интеграция тармоғи)ни яратиш ва ишлатиш, шунингдек, сервер ускуналари ва тегишли ҳисоблаш асбобларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳамда халқаро грантларни жалб этган ҳолда харид қилиш ва ўрнатишнинг молиялаштириш манбаларини белгилаш;

в) коммунал хизматлардан фойдаланишнинг ягона ҳисобини юритишни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ваколатли органни унинг техник ва профессионал тайёргарлигини инобатга олган ҳолда белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар Тошкент шаҳри бўйича, 2019 йил 1 декабрга қадар муддатда эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича мулкдорлар — жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация маълумотлари (ЖШ ШИМ) ва мулкдорлар — юридик шахсларнинг идентификация рақамлари (ИНН) Реестрга киритилишини;

Адлия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда мавжуд ахборот тизимларига зарур ўзгартиришлар киритилишини ҳамда Реестрнинг мавжуд маълумотлар базалари билан интеграциялашувини;

Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, малака шаҳодатномасини бериш, кадастр муносабатлари соҳасидаги касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича ўқитиш механизмини, шунингдек, кадастр муҳандислари фаолиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш мезонларини назарда тутувчи кадастр муҳандиси фаолияти билан шуғулланиш тартиби ишлаб чиқилишини;

кадастр муҳандислари фаолияти мониторинги натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кадастр муҳандиси институтини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги 2019 йил 1 декабрга қадар риэлторлик хизматлари кўрсатиш имкониятини таъминловчи ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиб, уни Реестр билан уйғунлаштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу қарорнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкилотлар томонидан маълумотларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларга юбориш тартиби ишлаб чиқилишини, шунингдек, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 апрель

# «Ўзбекистонда маданият ва маънавият ривожига юксак эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор»



**Улжан БАЙБОСИНОВА (Қозоғистон):**

— Термизда ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг санъат ва маданиятга, маънавиятга юксак эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Ўзлигини, миллий қадриятларини улуғлаган миллат юксак ҳурмат-эҳтиромга муносибдир. Гарчи, Марказий Осиё халқлари турли макон ва замонда яшаб ижод қилсалар-да, уларни муштарак тарих, ўхшаш қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Юртингизда бўлгани сингари Қозоғистонда ҳам халқ оғзаки ижоди асраб-авайланади. Қувонарлиси, бу борадаги анъаналар бугунги авлод томонидан пухта ўрганилиб, оқин-жировларнинг моҳир издошлари етишиб чиқмоқда. Ўзим филология фанлари номзоди сифатида бу санъатнинг келиб чиқиш тарихи, ривожланиш босқичлари ҳамда қардош халқлар достончилиги билан уйғун жиҳатларини назарий ўрганганман. Шу билан бирга, достонлар ҳам куйлайман.

Фаолиятим давомида Америка, Европа ва Осиё мамлакатларида уюштирилган концерт ҳамда халқаро танловларда қатнашиб, қозоқ халқининг ўлмас мероси — халқ достонларига сингдирилган инсонни улуғлаш, ўзаро меҳр-муҳаббат, умуминсоний ғоя ва мақсадларни тараннум этиб келаётганимдан бахтиёрман.

Термиздаги Халқаро бахшичилик санъати фестивали бошқа санъат анжуманлари қатори ижодий фаолиятимда эсда қоларли воқеликлар билан алоҳида ўрин эгаллашига ишонаман. Шу билан бирга, ушбу байрам халқларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

**Азизбек ЗИЁЕВ, Тожикистон халқ ҳофизи:**

— Ўзбек — тожик халқларининг тўй-тантаналари бахшиларнинг куй-қўшиқлари билан янада файзли ўтади. Бахшиларни ўз халқининг бийрон тилига қиёслагим келади. Бинобарин, достон ижрочисининг маҳорати минглаб одамларни бир даврада жамлаш, уларга завқ-шавқ улашиш қудратига эга. Шуни ҳам айтиш керакки, келажакка интилиш учун киши, аввало, тарихини яхши англаши, ўз халқининг маданий меросларини қадрлаши жуда муҳим. Чунончи, достонлар узоқ ўтмиш ҳақида бизга жонли ҳикояларни сўзлайди, гўё. Демакки, ёзма манбалар шакллангунига қадар ижодий жараённи ўзида акс эттирган халқ оғзаки ижоди намуналари биз учун беқиёс манбадир. Термизда ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали айни жиҳатлари билан ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бу ўзбек достончилик мактаби ва унинг ижодий ютуқларини жаҳонга кенг тарғиб этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, юртингизда ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ўз халқи тарихи билан ғурурланиш, миллий ўзликни англаш, бой меросни асраб-авайлашга масъуллик ҳиссини оширади, деб ўйлайман.

Бизнинг мамлакатда ҳам вақти-вақти билан бахшичилик танловлари ўтказилади. Бир неча маротаба республика, вилоят миқёсидаги фестивалларда қатнашиб, ўз ижодимни намойиш қилганман. Халқаро танловларда мунтазам иштирок этиб келаман. Жумладан, бир неча йил аввал Тошкент шаҳрида ўтган достон ижрочилари мусобақасида "Гўрўғли" достонининг энг яхши ижрочиси мақомига сазовор бўлгандим. Ижроимдаги 30 дан ортиқ достонлар Тожикистон радио ва телевидениесининг олтин фондида сақланади.

**Магдалина ВАЛДИВИА, санъатшунос (Мексика):**

— Бахшичилик — мураккаб, аммо ноёб санъат. Халқ достонлари, эposлари қайси тилда куйланмасин, тингловчи қалбига бирдек кириб боради. Инсонда Ватан туйғусини жўш урдиради. Миллий қадриятларга, нафис ва сержило табиатга меҳр уйғотиб, ардоқлашга даъват этади.

Санъатшунос сифатида бахшичилик санъатининг тарихини, ўзига хос қирраларини ўрганганман. Бу санъат шоирнинг ҳам, носирнинг ҳам, актёрнинг ҳам, бастакору хонанданинг ҳам ижодида алоҳида ўрин тутган. Шу боис бугун уларнинг санъатида бахшичилик анъаналари кўзга ташланади.

Ўзбекистон мен учун бегона эмас. Яқинда Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳам иштирок этгандим. Юртингиз табиати, халқингиз санъатсеварлиги, маданиятингизнинг қанчалик бой ва сермазмунлигидан яхши хабардорман. Айни пайтда давлатингиз томонидан мақом ва бахшичилик санъатини ўрганиш, уни тадқиқ этишга қаратилаётган эътибор юксак эътирофга муносиб. Зеро, ўтмишию маданиятига содиқ қолган, миллий анъаналарини асраб, келгуси авлодга безавол етказишга интилаётган халққина Ер куррасида ўз номини, тилини ва эътиқодини сақлаб қолишга қодир.

**Майленне Де ЛАРА, журналист (Канада):**

— Дунёда халқлар, элатлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос тарихий илдизлари бор. Демакки, улар ўз ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда, урф-одат ва қадриятларга амал қилишади. Рости, мен учун ўзбек халқининг маданий ҳаёти жозибадор кўринди. Халқингизнинг миллий либослари, ҳунармандчилиги, айниқса, ранг-баранг санъати дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик. Фестиваль майдонидаги умумий манзара эртаклар оламини кўз ўнгингизда намоён қилади. Бизга турли ҳудудларга хос эътиборли жиҳатлар ҳақида сўзлаб беришди. Самарқанд нонлари, Хоразм таомлари, Сурхондарё фольклори, Фарғона вилояти ҳунармандчилиги менда ҳайрат ва ҳавас уйғотди.

Сурхондарёдаги Ал-Ҳаким Ат-Термизий ёдгорлиги, "Султон Саодат" мажмуаси ҳамда Фаёзтепада бўлиб, бу заминда диний бағрикенглик азалдан мавжуд эканлигига, маданий объектларни сақлаб қолишга эътибор юксаклигига яна бир бор амин бўлдим.

Юртингизда кўрган-кечирганларим ҳақида ўзим раҳбарлик қиладиган "Diplomat" журналида мақола чоп этаман. Зотан, бу ерга келиб, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Илҳом РАҲМАТОВ, Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ ёзиб олди.**



# АСЛ ЧОЙ, ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАРКАЗ ВА МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида бўлиб ўтган "Озиқ-овқат саноати — "UzFood — 2019" ўн тўққизинчи халқаро кўргазмасида шу каби янгиликлар билан танишиш имкони бўлди.*

## Кўргазма

Мазкур кўргазма, шубҳасиз, соҳа вакиллари кутадиган муҳим тадбирлардан биридир. Бинобарин, у ўтган йиллар мобайнида маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун озиқ-овқат бозорида йўналишларни белгилаб берувчи, мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантирувчи, тармоқ пешқадамларининг фаолиятини кенгайтирувчи майдонга айланиб улгурди. Иқтисодиётни либераллаштириш, минтақанинг энг йирик бозорлари билан мақбул савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда давлат томонидан хорижий инвесторларга тақдим қилинаётган кенг имкониятлар бу каби кўргазмалар долзарблигини янада оширади.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим ва жадал тараққий этаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Ўз-ўзидан аёнки, бу маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш ускуналарига бўлган талабни ҳам оширади. Халқаро кўргазма айнан шундай масалалар ечимини топишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жорий йилги анжуманда Австрия, БАА, Беларусь, Болгария, Германия, Греция, Дания, Испания, Италия, Қозоғистон, Хитой, Малайзия, Латвия, Корея Республикаси, Россия, Сербия, Словакия, АҚШ, Польша, Туркия, Франция, Шри-Ланка каби қатор мамлакатларнинг 200 дан ортиқ компаниялари вакиллари қатнашгани бу каби имкониятларни ишга солишда қўл келиши, шубҳасиз. Зеро, улар таклиф этган маҳсулот ва хизматлар турфа хил. Жумладан, мажмуанинг биринчи павильонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва қўшимчалари, ичимликлар ҳамда нон ёпиш ускуналари жой олган бўлса, иккинчи павильондан қайта ишлаш, совитиш, қадоқлаш тармоғи жиҳозлари ўрин эгаллади.

— Биз нон ва қандолатчилик маҳсулотлари қоришмалари, музқаймоқлар учун қўшимчалар ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, — дейди Польшадаги "АКО" компаниясининг экспорт бўйича директори Родаслав Герка. — Кўргазмага ҳам айнан шундай маҳсулотларимизни келтирганмиз.

Бундан ташқари, бу йил чой ва қаҳва етиштириш ҳамда ишлаб чиқариш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни қизиқувчилар уч кун давомида асл чой ва қаҳвадан татиб кўришди, ушбу йўналишдаги семинарларда иштирок этишди.

Кўргазма доирасида етказиб берувчилар билан харид қилувчилар учрашувларини ўтказиш учун ихтисослаштирилган майдон — "Ритейл-марказ" ташкил этилди. Бу музокаралар ўтказиш ва амалий ҳамкорликка киришиш учун айни муддаодир. Қолаверса, илк маротаба АҚШнинг гўштни экспорт қилиш бўйича федерацияси (USMEF) мутахассислари томонидан мармарсимон гўшт тайёрлаш ва у билан ишлаш борасида маҳорат дарслари уюштирилди.

Қисқаси, "Озиқ-овқат саноати — "UzFood — 2019" халқаро кўргазмаси мамлакатимиз озиқ-овқат саноати ривожи, унинг тармоқларига инновацияларни қўллаш, мавжуд муаммолар ечимини топиш ҳамда қўшимча имкониятларни ишга солишга хизмат қилиши турган гап.

Халқаро кўргазма "Iteca Exhibitions" компанияси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

